

АБДУРАХМАНОВА Наргиза,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси докторанти

АБУЛ БАРАКОТ НАСАФИЙ “АЛ-МУСТАСФО” АСАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА МАНБАЛАРИ

ЗНАЧИМОСТЬ РАБОТЫ АБУЛ БАРАКАТА НАСАФИ “АЛ-МУСТАСФА” И ЕЁ ИСТОЧНИКИ

THE SIGNIFICANCE OF THE WORK OF ABUL BARAKAT NASAFI “AL-MUSTASFA” AND HER SOURCES

Аннотация: Мақолада ҳанафий мактабининг забардаст фақиҳи, атоқли муфасссир, машхур имом Ҳофизиддин Абул Баракот Насафийнинг “ал-Мустасфо” асари ҳақида сўз юритилган. Асарнинг вужудга келиши, илмий аҳамияти ва қиймати ҳақида маълумотлар берилиб, манбаларда унга берилган таърифлар келтирилган. Шунингдек, асарни ёзишда фойдаланилган машхур асарлар мисол тариқасида ҳавола этилган.

Калит сўзлар: аллома, фикҳ, усул, ақида, тафсир, манба, матн, шарҳ, мерос.

Аннотация: В статье рассказывается о произведении «Аль-Мустасфа» известного правоведа ханафитской школы, комментатора и имама Хафизиддина Абул Бараката Насафи. Приводятся сведения о создании, научной значимости и ценности произведения, даются определения, данные ему в источниках. Также в качестве примеров приводятся известные работы, использованные при написании произведения.

Ключевые слова: мыслитель, фикх, метод, вероучение, тафсир, источник, текст, комментарий, наследие.

Annotation: The article tells about the work “Al-Mustasfa” by the well-known jurist of the Hanafi school, commentator and Imam Hafiziddin Abul Barakat Nasafi. Information about the creation, scientific significance and value of the

work is given, definitions given to it in the sources are given. Also, well-known works used in writing the work are given as examples.

Keywords: thinker, fiqh, method, dogma, tafsir, source, text, commentary, heritage.

КИРИШ

“Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чоррахаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади” [1]. Ана шундай буюк маънавий мерос қолдирган ватандошларимиздан бири Ҳофизиддин Абул Баракот Насафий (в.1310) дир.

Ҳанафий мактабининг забардаст фақиҳларидан бўлган аллома етук муфасссир ва моҳир усулчи бўлиб, ундан кўплаб матн ва шарҳлар мерос бўлиб қолган.

Абул Баракот Насафийнинг ҳанафий мазҳабига асосланиб ёзилган бир қанча фикҳий асарлари мавжуд. “Хидоя”дан кейинги ўринда турадиган “Канз ад-дақоиқ” (“Нозик масалалар хазинаси”), “ал-Вофий” (“Тўлиқ”) ва унинг “ал-Кофий” (“Кифоя қилувчи”) номли шарҳи, “ал-Манор” (“Машғал”) ҳамда унинг “Кашф ал-асрор” (“Сирларни очиш”) номли шарҳи, “ал-Мусаффо фи шарҳ ал-манзума ан-Насафия” (“Насафий назмининг аниқланган номли шарҳи”) ҳамда “ал-Мустасфо фи шарҳ ан-Нофеъ фил-фуруъ” (“Фикҳга оид ан-Нофеънинг Мукаммал номли шарҳи”) асарлари шулар жумласидандир. Улар орасида “ал-Мустасфо фи шарҳ ан-Нофеъ фил-фуруъ” асари муҳим ва мўътабар манбалардан бири ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Ал-Мустасфо” муаллифнинг Имом Абул Қосим Муҳаммад ибн Юсуф Ҳасаний Самарқандий (в.1161) қаламига мансуб “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асарига ёзган шарҳи ҳисобланади. “Ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари Носируддин Самарқандийнинг фуруъ ал-фикҳ илмига оид асосий китоби ҳамда ҳанафий фикҳига оид мўътабар манбалардан бири сифатида эътироф этилади. Унга кўплаб ҳанафий олимлар томонидан шарҳ ва изоҳлар

ёзилган бўлиб, Абул Баракот Насафийнинг “ал-Мустасфо” асари уларнинг орасида энг машҳури ва мукаммалдир.

Абул Баракот Насафий асарни ўз илми ва хулосалари билан бир қаторда, устози Ҳамидиддин Ромишийдан сабоқ олган фойдали тавсия ва таълимотлари билан ҳам бойитди. “Ал-Мустасфо” асарининг муқаддимасида китобнинг устози Ҳамидиддин Ромиший тавсияси билан ёзилгани қайд этилган. Имом Насафий мухтасарни шарҳлашга ундаган сабаб ҳақида шундай дейди: “Улуғ шайхимиз устоз Ҳамидиддин Ромиший мухтасаридаги пардалар кўтарилди ва кўзга кўринмас жиҳатлар очилди... У менга ундан олган фойдаларимни тартибга солишим ва бир тизимга келтиришимни маслаҳат берди. Мен бу кўрсатмага итоат қилдим. Мададкор бўлган Аллоҳдан ёрдам сўраб, манфаатини кўпайтириш мақсадида шарҳни фикрлар билан бойитдим ҳамда “Мабсут” китобларидан қўшимчалар киритдим” [2].

Ушбу шарҳ вужудга келишида икки босқичдан ўтган: биринчиси имом Ҳамидиддин Ромишийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеъ”дан берган тавсия ва сабоқлари бўлиб, имом Насафий ушбу сабоқларда иштирок этган ҳамда ундан олган билим ва тажрибаларини жамлаб, “ал-Манафий фи фавоид ан-Нофеъ” номли асар ёзган.

Иккинчи босқичда Насафий ушбу шарҳ ва таълиқотларни тартиблаб, бир тизимга солиб, унга қўшимчалар киритади ҳамда мулоҳаза, далиллар билан бойитади. Бу икки босқич асарнинг пухта, ишончли ва мукаммал бўлишига хизмат қилади [3].

Мазкур асар Насафийнинг фикҳ ва усул бўйича ёзган асарлари учун пойдевор саналади. Аллома “ал-Мустасфо” асарини ўзининг “ал-Муставфо” асаридан кейин таълиф этган. Бу эса ўз навбатида олимнинг энг биринчи асари саналади. Ҳофизиддин Насафий “ал-Мустасфо” асарини 1266 йилда ёзган. Шунинг учун аллома ўзининг “ал-Вофий”, “Кашф ал-асрор”, “Шарҳ ал-Мунтахаб”, “ал-Мусаффо” каби кейинги асарларида мазкур асардан иқтибослар келтирган [4].

“Ал-Мустасфо” асарининг илмий аҳамияти ва қийматини билиш муаллифнинг фойдаланган манбаларига бевосита боғлиқ. Насафий асарни ёзишда машҳур китоблардан манба сифатида фойдаланган. Имом таянган манба ва масдарлар

мазҳабда ишончли ҳамда уламолар мурожаат қилган асарлар сирасига киради. У нафақат фикҳий асарлар, балки ақида, тафсир, ҳадис, усул, грамматика ҳамда лугат илмларидаги таниқли ва ишончли манбаларга ҳам аҳамият берди. Бу эса имом Насафий илмининг нақадар бекиёслиги ҳамда ўзидан аввалги ва замондош олимларнинг турли соҳалардаги китобларидан бохабар эканига далолат қилади.

Ақидавий масалаларни шарҳлашда Абу Муъин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Макхулий Насафий (ваф. 508/1114 й.)нинг “Табсират ал-адилла” асаридан фойдаланган. Оятларни тафсир этишда Абу Қосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий (ваф. 538/1144 й.)нинг “ал-Кашшоф” ва Абу Бакр Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид Самарқандий (ваф. 552/1157 й.)нинг “Шарҳ ат-таъвилот” асарларидан кўп ўринларда фойдаланган.

Ҳадис ва унинг ровийларини шарҳлашда Имом Абу Довуд (ваф. 275/888-89 й.)нинг “Сунани Абу Довуд”, Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад Таҳовий (ваф. 321/933 й.)нинг “Шарҳ мушkil ал-осор”, Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Яъқуб Калободий Бухорий (ваф. 384/994 й.)нинг “Маъоний ал-ахбор”, Абу Муҳаммад Ҳусайн ибн Масъуд Бағавий (ваф. 516/1122 й.)нинг “ал-Масобих”, Абу Ҳотам Муҳаммад ибн Ҳибон ибн Аҳмад Тамимий (ваф. 354/965 й.)нинг “Китоб ас-сикот” асарларидан истифода этган.

Усул ал-фикҳда Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар Дабусий (ваф. 430/1038-39 й.)нинг “Таквим усул ал-фикҳ ва таҳдид адилла аш-шаръ”, Абдулкарим Паздавий (ваф. 482/1089 й.)нинг “Усул ал-Паздавий” номи билан машҳур “Канз ал-вусул ила маърифат ал-усул”, Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (ваф. 539/1145 й.)нинг “Мезон ал-усул фи натоиж ал-укул” ҳамда Бадриддин Маҳмуд ибн Зайд Амшийнинг “Мухтасар ал-Амший” каби асарларидан фойдаланган.

Насафий фикҳ соҳасида жуда кўплаб манбаларга таянган. Жумладан, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (ваф. 189/805 й.)нинг “ал-Асл”, “аз-Зиёдат”, “ал-Жомеъ ас-сағир”, “ал-Жомеъ ал-кабир”, Муҳаммад ибн Самоъ ибн Абдуллоҳ Тамимий (ваф. 233/848 й.)нинг “Наводир ибн Самоъ”, Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома Таҳовий (ваф. 321/933 й.)нинг “Мухтасар ат-Таҳовий”, Абу

Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исонинг “Мухтасар Абу Мусо аз-Зарир”, Абу Бакр Аҳмад ибн Али Жассос (ваф. 370/980-81 й.)нинг «Шарҳ мухтасар ат-Таҳовий», Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Самарқандий (ваф. 375/985 й.)нинг “Хизонат ал-фикҳ”, “Мухталиф ар-ривоя” ва “ал-Мухталифат фи фуруъ ал-ханафия”, Абул Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад Қудурий (ваф. 428/1037 й.)нинг “Мухтасар ал-Қудурий” ва “Шарҳ мухтасар ал-Кархий”, Абу Зайд Убайдуллоҳ ибн Умар Дабусий (ваф. 430/1038-39 й.)нинг “ал-Асрор” ва “Хизонат ал-худа”, Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад Ақто (ваф. 474/1081 й.)нинг “Шарҳ мухтасар ал-Қудурий”, Фахрулислом Али ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Паздавий (ваф. 482/1089 й.)нинг “ал-Мабсут” ҳамда “Шарҳ ал-жомеъ ас-сағир”, Бакр Хоҳарзода номи билан машҳур бўлган Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн Муҳаммад Бухорий (ваф. 483/1090 й.)нинг “ал-Мабсут”, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий (ваф. 483/1090 й.)нинг “ал-Мабсут”, Садрушшаҳид Ҳисомиддин Умар ибн Абдулазиз (ваф. 536/1141-42 й.)нинг “ал-Воқеъот”, Абул Фазл Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Амирвайҳ Кирмоний (ваф. 544/1149 й.)нинг “ал-Изоҳ” ва “Таълиқ Абул Фазл Кирмоний”, Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (ваф. 549/1154 й.)нинг “Тухфа ал-фуқаҳо”, Абулқосим Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандий (ваф. 556/1161 й.)нинг “ал-Маншур”, Абул Ҳасан Али Ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил Марғиноний (ваф. 593/1197 й.)нинг “ал-Ҳидоя фи шарҳ бидоят ал-мубтади”, Бадриддин Маҳмуд ибн Зайд Амшийнинг “Шарҳ ал-жомеъ ас-сағир”, Бурҳониддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорий (ваф. 616/1219 й.)нинг “ал-Мухит ал-бурҳоний фил фикҳ ан-нуъмоний” (ушбу асар баъзи ўринларда “ал-Жомеъ ал-бурҳоний” номи билан келади), Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Бакр Бухорий (ваф. 619/1222 й.)нинг “ал-Фавоид аз-зоҳирия”, Бадриддин Муҳаммад ибн Маҳмуд Кардарий (ваф. 652/1254 й.)нинг “Фавоид ал-мухтасар”, Абул Маълий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф Исбижобийнинг “Зод ал-фуқаҳо” ва “Шарҳ мухтасар ат-Таҳовий” каби асарлари шулар жумласидан [5].

Шунингдек, наҳв илмида Абулқосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарий (ваф. 538/1144 й.)нинг “ал-Муфассал фи саноат ал-эъроб”,

ҳадисдаги сўз ва жумлаларни шарҳлашда Абу Убайдулқосим ибн Саллам Ансорий (ваф. 224/839 й.)нинг “Ғариб ал-ҳадис” ва Абулқосим Маҳмуд ибн Абулҳасан Найсобурий (ваф. 553/1158 й.)нинг “Жумал ал-ғароиб”, фикҳий тушунчаларни изоҳлашда Абул Фатҳ Носир ибн Абдуссайд Абул Макорим Матразий (ваф. 610/1213 й.)нинг “ал-Муғроб фи тартиб ал-муъриб” ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳамавийнинг “ал-Ҳодий лил-бодий”, сўзларнинг луғавий маъно ва таърифларини тушунтиришда Халил ибн Аҳмад Фароҳидий (ваф. 170/787 й.)нинг “ал-Айн”, Исҳоқ ибн Иброҳим Форобий (ваф. 350/961 й.)нинг “Девон ал-адаб”, Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад Азҳарий (ваф. 370/981 й.)нинг “Таҳзиб ал-луғат”, Исмоил ибн Ҳаммод Жавҳарий (ваф. 393/1003 й.)нинг “ас-Сихоҳ”, Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Самарқандий (ваф. 343/955 й.)нинг “Тож ал-масодир фил луғат”, Абу Жаъфар Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад Байҳакий (ваф. 544/1149 й.)нинг “Тож ал-масодир фил луғат” асарларидан истифода қилган.

Шарҳда фойдаланилган манбаларнинг кўплиги ва турлича экани Ҳожи Халифанинг ушбу шарҳга: “Шарҳнинг барчаси “Мабсут” ва “Изоҳ” китобларидан нақл қилинган” [6], деб берган таърифидан ҳам намоён бўлади.

Олимнинг ўзи ҳам асарнинг муқаддимасида: “Манфаатини кўпайтириш мақсадида шарҳни фикрлар билан бойитдим ҳамда “Мабсут” китобларидан қўшимчалар киритдим”, деган.

Шарҳловчининг юкоридаги сўзидан аён бўладики, у китобни ёзишда муайян бир манба билан чегараланмаган, балки шу соҳа ва бошқа йўналишдаги китоблардан ҳам фойдаланган.

Шунингдек, муаллиф китобнинг ниҳоясида: “Эҳтиёж бўлган вақтда шарҳда нақл қилинган масалалар “Мабсут”, “Изоҳ” ва бошқа китоблардан олинган” [7], деган.

Насафийнинг бошқа олимларнинг китобларига мурожаат қилиши ва улардан фойдаланиши асарнинг сифатига таъсир қилмайди, балки шарҳлаш жараёнида китобнинг бошқа қирралари очилади. Имом унда далилларни йўналтириш, ҳукмларни асослаш, изоҳлаш, баъзи вақтларда тўғирлаш, ўз даврида фатво асос қилиб олинган ҳукмларни етказиш, чалкашликлар ҳамда ноаниқ жумлаларга аниқлик киритишга катта аҳамият беради.

“Ал-Мустасфо” асарида фикҳий далилларга алоҳида эътибор қаратилган, далил келтириш услублари аниқ баён этилган ҳамда масалаларнинг асл негизи очиб берилган. Аллома асардаги масалалар ва унга боғлиқ вазиятларни чуқур таҳлил қилиб, масалага доир муаммоларни ҳал қилган ва савол-жавоб тариқасида мантикий-фаразий қоидалардан ҳам фойдаланган.

Асарнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, муаллиф ундаги масалаларни ўша давр воқеалиги билан боғлаган. Шунингдек, “ал-Фикҳ ан-нофеъ” матнидаги баъзи сўз ва ибораларга ойдинлик киритган ҳамда ундаги калималарнинг аниқлигига катта эътибор берган. Насафий асарни шарҳлашда ноаниқ ва тушунарсиз сўзларни қўллашдан йироқ бўлиб, осон услуб, аниқ ибора, гўзал, содда ва халқчил калималардан фойдаланган. Бу эса асарни фахмлаш ва ундан фойдаланишда қулайлик яратади.

ХУЛОСА

Олимларнинг муайян асарга таянишлари ўша асарнинг мўътабар ва қимматли манба эканидан далолат беради. Ҳанафий фикҳида таълиф этилган аксарият китобларга назар ташланганда уларнинг муаллифлари “ал-Мустасфо” асарининг қийматини идрок этиб, ундан истефода ва нақл қилганлари ҳамда унга асосланганларини кўриш мумкин. Имом Бадриддин Айний (в. 855/1451) “Рамз ал-ҳақоик” шарҳида “ал-Мустасфо”ни фикҳдаги манфаатли асарлардан бири деб таъкидлаб: “Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд фикҳ ва усулда “ал-Вофий” ва унинг “ал-Кофий” номли шарҳи, “ал-Мусаффо шарҳ ал-манзума” ҳамда “ал-Мустасфо фи шарҳ ан-Нофеъ” каби фойдали асарлар соҳибидир”[8], деган. Абдулҳай Лакнавий (в.1304/1886) ҳанафий мазҳабидаги мўътабар асарлар ичида Насафийнинг “ал-Мустасфо” шарҳини зикр қилиб: “Мен унинг “ал-Вофий”, “ал-Кофий” ҳамда “ал-Мустасфо” асарларидан фойдаланганман”[9], деб айтган. Шунингдек, Ибн Нужайм номи билан машҳур бўлган имом Зайниддин ибн Иброҳим ибн Муҳаммад (в. 970/1563) китобининг асосий масдари сифатида “ал-Мустасфо”га ишора қилиб: “Мен кўпгина шарҳ ва фатволардан фойдаландим... “Ал-

Мустасфо” ҳамда “ал-Мусаффо” шарҳлари шулар жумласидандир”[10], деган. Бундан ташқари Алоуддин Абдулазиз ибн Аҳмад Бухорий (в.730/1330.) ўзининг “Кашф ал-асрор”, Фаҳриддин Усмон ибн Али Зайлаъий (в.743/1342) “Табйин ал-ҳақоик”, Акмалиддин Муҳаммад ибн Маҳмуд Бабартий (в.786/1384) “ал-Иъная шарҳ ал-Ҳидоя” асарларида “ал-Мустасфо”дан матн ва маъноларни нақл қилишган.

Шундай қилиб, “ал-Мустасфо” асари нодир манбалардан бири бўлиб, у нафақат фикҳ, балки тафсир, ҳадис, луғат, усул, грамматика, балоғат каби илмларни ҳам ўзида мужассам этади. Бугунги кунда аجدодларимизнинг илмий меросини қайта тиклашда ушбу мўътабар манбани тадқиқ қилиш муҳим вазифалардан бири саналади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатнома. <https://president.uz/uz/lists/view/3377>.
2. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо. Қўлёзма/ Millet genel kutuphanesi. № 847. – В. 1/6.
3. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо фи шарҳ ан-Нофеъ. Истанбул: Мактаба ал-иршод, 2017. – Б. 45.
4. Маллабаев А. Абул Баракот Ҳофизиддин Насафийнинг “ал-Мустасфо” асари муҳим фикҳий манба// “Инфолиб” ахборот-кутубхона хабарномаси. № 4(16) 2018. – Б. 68-69.
5. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо фи шарҳ ан-Нофеъ. Истанбул: Мактаба ал-иршод, 2017. Б. 45.
6. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. Байрут: Дар ихя ат-турас ал-арабий, Ж.2. – Б. 1921.
7. Абул Баракот Насафий. Ал-Мустасфо. Қўлёзма/ Millet genel kutuphanesi. № 847. – В. 245/а.
8. Маҳмуд ибн Аҳмад Айний. Рамз ал-ҳақоик. Карачи: Идарат ал-Қуръан вал улум ал-исламия, 2002. Ж. I. – Б. 9.
9. Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳия фи тарожим ал-ҳанафия. Қоҳира: Дор ал-китоб ал-ислабий, – Б.102.
10. Ибн Нужайм. Ал-Баҳр ар-роик. Тошбосма / Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Манбалар хазинаси. № 68. – Б. 2.